

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2007 йил, 20 апрель, жума

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 75 (10.884) Баҳоси эркин нархда

**XXI АСР САДОСИ**  
**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР**

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг лойиҳасини (янги таҳрирдаги) муҳокама қилишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Давлат божхона кўмитаси ва БМТнинг Тараққиёт дастури лойиҳаси асосида ташкил этилган ушбу тадбирда бошқарув идоралари, тадбиркорлик субъектлари, халқаро экспертлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.
- 2007 йилнинг апрель ойидан бошлаб акциядорлик-тижорат банки «Алоқабанк» Россиянинг «Связь Банк» билан ҳамкорликда МДХ мамлакатлари бўйлаб пул ўтказишларининг аҳоли учун янада манfaatли DLIZKO янги хизмат турини жорий этди.
- Урганч шаҳар суратлар галереясида баҳор фаслига бағишланган ранг-тасвир асарлари кўргазмаси очилди. Унда юртимизда яшаб, ижод қилаётган таниқли мўйқалам усталарининг 650 дан ортиқ сара асарлари намойиш қилинмоқда.
- Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманида «Аёллар ва ёшлар экстремизм, террорчилик ва гиёвандликка қарши» мавзуда дўстлик форуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ташкил этди.
- Самарқанд шаҳрида йўловчиларга хизмат кўрсатувчи жамоат транспорти сони бир вақтнинг ўзида юзга кўпайди. Уларнинг барчаси Самарқанд шаҳрининг ўз автомобил заводида ишлаб чиқарилган «Отайўл» автобусларидир.
- Тошкентдаги Ёш томошабинлар театрида Қозон татар давлат ёш томошабинлар театрининг энг сара спектакллари намойиш этилмоқда.
- «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида Навоий вилояти ҳокимлигида кам таъминланган оилаларга ҳомийлар ҳисобидан бир бошдан бепул қорамол бериш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бунга кўра, йил давомида вилоят бўйича 3000 бош сигир ҳада этилади.

## ЖАҲОНДА

- Кеча Финляндия Президенти мамлакат парламентининг янги таркибини тасдиқлади.
- Кеча Мавритания Ислом республикасида янги давлат раҳбарининг инаугурация маросими бўлиб ўтди.
- Кеча Руминия парламенти кўпчилик овоз билан Троян Бесескуни ўз вазифаларини бажаришдан четлатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу муносабат билан Президент Бухарестдаги Университет майдонида ўз тарафдорлари ҳузурда чиқиш қилди.
- АҚШнинг ўнлаб штатларидаги университетлар ва мактаблар қуроли ҳужум рўй бериши эҳтимоли борлиги учун вақтинча ёпиб қўйилди. Қўллаб ўқув муассасалари эвакуация қилинмапти. Гап шундаки, ўқув муассасаларига номаълум шахслар кўнғироқ қилиб, технология университетига воқеа яна қайтарилиши тўғрисида огоҳлантиришган.
- Украинада вужудга келган сиёсий инқироз ҳамон давом этмоқда. Президент Ющенконинг Олий Радани тарқатиб юбориш ва муддатидан олдин сайлов ўтказиш тўғрисидаги фармонининг қонуний ёки йўқлигини кўриб чиқаётган Конституцион суд ўз ишини давом эттира олмаяпти. Зеро, икки қундириқ, парламентнинг тарқатиб юборилишига қарши бўлган оломон Конституцион суд биносини қуршаб олганлиги сабабли суд ходимларининг бинога кириб ишлашларининг имкони бўлмапти.
- Кеча Туркияда христиан адабиётини нашр этиш билан шуғулланаётган уч кишининг ўлдирилишида гумон билан ўн киши ҳибсага олинди.
- «Синхуа» ахборот агентлигининг билдиришича, Хитойдаги кўмир қонларининг учтасида бир пайтнинг ўзида ҳалокат содир бўлиб, охириги маълумотларга кўра ер тагида 50га яқин қончи қолиб кетган. Ҳозирча фожеа сабаблари номаълум.
- Европа Иттифоқи Холокоетни инкор этишга қарши янги қонун лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Люксембургда бўлиб ўтаётган йиғилишда Иттифоққа аъзо давлатлар вакиллари иштирокида кўриб чиқилаётган янги Қонун бир овоздан маъқулланди, у бутун Европа бўйлаб кучга кирди.
- Колумбияда энг йирик вулкандан бири уйғонди. Анд тоғларидаги вулкандан отилаётган лава бир неча дарёларни ўзанидан чиқариб юборди, катта ҳудудни эгаллади. Натижада яқин атрофда яшовчи беш минг киши ҳавфсиз жойларга кўчирилди.
- XX асрнинг энг яхши эстрада кўшикчиси деб тан олинган франциялик 80 ёшдан ошган Шарл Азнавурнинг дунё бўйича хайрлашув гастроллари Москва шаҳридан бошланди.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 21 апрель кун Тошкентда ҳаво ўзгариш турди, ёғингарчилик бўлмади. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шомол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОН — МИСР: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17-19 апрель кунлари расмий ташир билан Миср Араб Республикасида бўлди.

### Қадимий дўстлик ришталари

Миср кишини бирданга хайратга солади. Миср маданияти, давлатчилиги юзага келган даврларни аниқлаш борасидаги илмий тадқиқотларнинг ҳулсалари, беозор айтганда, жуда нисбий бўлади. Президентимиз Ислом Каримов Қоҳира сафари олдидан журналистларга берган интервьюсида бундан алоҳида таъкидлади: Миср — маданиятнинг, давлатчиликнинг энг қадимий маркази.

Мисрнинг Нил неъматидеб атайдилар. Дунёда энг узун дарё, ушбу ўлкадаги ҳаёт манбаи бўлган Нилда сув микросини ўлчайдиган иншоотни улуг аллома, ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний бунёд этган.

Ўзбекистон билан Миср халқларининг бундай тарихий яқинлиги ва ҳамкорлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Қадимги Шарқнинг фанлар академияси бўлган «Байтул хикма» да ижод этган ватандошларимиз — буюк алломаларнинг акасирият Мисрга бориб, маҳаллий халқнинг илм-фан ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган. Бошқача айтганда, Ўзбекистон билан Мисрнинг бугунги дўстлиги, халқларимизнинг бугунги ҳамкорлигига аждодларимиз асос солганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасида расмий ташири мана шу азалий алоқаларни ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги асосда раванк топтиришга бағишланди.

Мисрда Ўзбекистонга эҳтиром нечоғли катта, мамлакатимиз билан ҳамкорликка интилиш нақадар кучли эканлигига бир мисол билан ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллигини араб давлатлари орасида биринчи бўлиб Миср тан олди. У биринчилик қаторида Ўзбекистон билан дипломатия муносабатлари ўрнатиб, юртимизда элчихона очди. Энг муҳими — янги, мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг илк хорижий сафарларидан бири ҳам айнан Мисрга расмий ташири бўлди.

Ўзбекистон билан Мисрнинг тарихий, маданий, маърифий мушта- рақлиги кўп. Ислом Каримов айтганидек, халқларимизнинг дунёқараши ҳам бир-бирига яқин. Айни пайтда геосиёсат ва геостратегия мамлакатларимиз ўртасида ўхшашлик яна ҳам кўп эканлигини кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз қадимда Буюк ипак йўлининг асосий тармоқлари бўлган. Жануби-шарқий Осиё, МДХ, Европа мамлакатларини туташтирувчи транспорт коммуникациялари Ўзбекистондан ўтади. Марказий Осиёнинг табиий бойликлари, энергетик захиралари янги коммуникация тармоқларини барпо этиш, янги йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш учун омил бўлмоқда. Миср эса куруқликда Африка билан Осиёни, сув йўллари орқали Осиё-Тинч океани минтақаси билан Европани боғлайди. Шу боис Ўзбекистон ва Миср минтақавий ҳамда халқаро сиёсатда муҳим ўрин тутувчи мамлакатлар сирасига кирди.

Муштараклик тақозоси. Хусусан, таълим соҳасидаги алоқалар жуда фаол. Икки мамлакат кадрлар тайёрлашда бир-бирига жўмак бераётди. Ўзбекистон ва Миср олий ўқув юртлири ўртасида йигирмадан зиёд ҳамкорлик битими имзоланган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги алоқалар ўзлаштириш ва жадал ривожлантирмоқда. Миср ҳам фармацевтика соҳасида катта салоҳият ва бой тажрибага эга. Биргаликда фармацевтика корхоналарини очиб орқали мамлакатларимиз Марказий Осиё ва умуман МДХ бозорларининг салмоқли қисмини эгаллаши мумкин. Айни пайтда бу йўналишда маълум лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Яна бир муҳим соҳа — сайёҳликдир. Ўзбекистонликлар учун Мисрнинг тарихий обидалари, хусусан, эҳромлар қанчалик жозибадор бўлса, мисрликлар учун Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридий, Махмуд аз-Замашарий, Нахмиддин Кубро, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурхонуддин Марғиновий, Баҳоуддин Накшбанд, Ҳўжа Аҳрор Валий каби алломалар ватани бўлган Ўзбекистоннинг осори-атиқаларини, муқаддас қадимжоларини зиёрат қилиш шунчалар эъзозлидир. Миср томони Ўзбекистонда аждодлар меросини тиклаш борасидаги ишларни юксак кадрлар билан амалга ошириш мўлжалланди.

Ўзбекистон учун сайёҳлик соҳасида хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришда Миср билан ҳамкорлик қилиш фойдалидир. Иқтисодий ҳамкорлик давлатлараро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Жорий йил март ойида Тошкентда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Миср ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Икки томонлама ҳамкорликнинг улкан имкониятларини намойиш этган ушбу анжуман якунида савдо алоқаларини ривожлантириш, хусусан, Мисрга кўплаб турдаги маҳсулотлар, жумладан, замонавий-лаштирадиган Ил-76 юк ташиш са-

молетлари ва Ил-114 йўловчи ташиш самолётлари, тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, кабел-ўтказгич маҳсулотлар, трансформаторлар, қуёш батареялари, мис, ипак етказиб бериш борасида кўплаб келишувларга эришилди. Сайёҳлик, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Президент Ислом Каримовнинг ташири доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Миср бизнес форуми ана шу мулоқотларнинг узвий давоми бўлди. Ўзбекистон Ташиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Миср тадбиркорлар уюшмаси ва Савдо палаталари федерацияси томонидан ташкил қилинган ушбу анжуман Тошкентда ўтган ҳукуматлараро қўшма комиссия йиғилишида белгилаб олинган устувор соҳалар бўйича муайян келишувларга эришиш учун қўлай имконият яратди. Форумда Ислом Каримовнинг ташири мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш баробарида ишбилармон доираларнинг бевоасита ҳамкорлиги учун ҳам кенг йўл очиши, давлат раҳбарлари ўртасидаги ишонч ишбилармонларнинг шерикликка интилишини кучайтириши алоҳида таъкидланди.

Узаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг молиявий қўрсаткичлари икки томоннинг имкониятлари даражасида эмаслигига муайян даражада ўртадаги масофанинг узоклиги ва, энг муҳими, ҳамкорлик қилинадиган соҳалар тўла, атрофлича ўрганиб чиқилмагани, ахборот алмасуви етарли даражада бўлмагани сабаб бўлаётди. Форумда ишбилармонлар Ўзбекистон ва Мисрнинг иқтисодий салоҳияти билан янада яқиндан танишдилар.

Стратегик нукта назардан қараганда, Ўзбекистон билан ҳамкорлик орқали Миср Марказий Осиё ва МДХ мамлакатлари бозорларида ўз ўрнини кенгайтириши мумкин. Ислом конференцияси ташкилотини ва Араб давлатлари лигасининг фаол аъзоси бўлган Миср Ўзбекистонга маъмурий тузилмалар доирасида ҳамкорлик учун йўл очди.

Мисрда Ўзбекистондан қишлоқ

хўжалиги техникасини харид қилиш, уни ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар тузишга қизиқиш катта. Ўзбекистон кўнчилиги, пахта ва ипакни қайта ишлаш соҳаларига Миср технологияларини жалб қилса, нафақат Марказий Осиё, балки ундан кенгроқ доирадаги бозорларда ҳам мустаҳкам ўринга эга бўлади. Мисрда чарм санвати, айниқса, пойфоз ишлаб чиқариш тармоғи кенг ривожланган. Ўзбекистонда эса йилга бир неча миллион квадрат метр тери ошланади. Бу соҳада қўшма корхоналар тузиш икки томон учун ҳам манfaatли. Мисрда Ўзбекистоннинг минерал захираларига ҳам қизиқиш катта.

Ислом Каримовнинг ташири давомида икки мамлакат ишбилармонлари ўртасида 15 битим имзоланди. Миср иш одамлари Ўзбекистонга Марказий Осиё дарвозаси сифатида қарайди. Айни пайтда Мисрни Ўзбекистоннинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бозорларидаги ўрнини кенгайтириш йўлидаги энг ишончли ҳамкори санайди.

Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, илм-фан ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги улкан салоҳияти хориқлик ишбилармонларни ўзига тортади, — дейди Миср тадбиркорлар уюшмаси раиси Одил Газарин. — Шу боис бугунги анжуманга ёш ишбилармонлар уюшмасидан ҳам вакиллари таклиф этдик. Келгусида улар биз бошлаган ишнинг давомичилири бўлишлари шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, Миср тадбиркорлар уюшмаси ва Савдо палаталари федерацияси мамлакатдаги тўрт юздан ортиқ йирик компанияни бирлаштирган. Ўзбекистон — Миср бизнес форумида уларнинг қарийб барчасидан вакиллар қатнашди.

Президентларимизнинг муносабатларидаги самимийлик ва ўзаро ҳурмат бизни ҳам руҳлантирмоқда, — дейди Миср савдо палаталари федерацияси раиси Муҳаммад ал-Масрий. — Биз бундан ўзимизга билдирилган юксак ишонч сифатида қабул қиламиз ва уни ҳар томонлама оқлашга ҳаракат қиламиз. Бугунги анжуман кутилганидан ҳам муваффақиятли ўтди. Барча саволларга аниқ жавоблар олинди.

(Давоми 2-бетда)

## ВАТАНИНИ УДУҒЛАГАН ЎҒЛОН

Ўзбекистон профессионал бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаевни кутиб олди!



Ўзбекистон замини азал-азалдан буюк олим уламо, фозилу фўзалоларга, бир сўз билан айтганда, юксак салоҳиятга эга инсонларга бешик бўлган. БУГУН ИСТИҚЛОЛ ВА ЮРТИМИЗДАГИ ТИНЧИЛИК-ОСОЙИШТАЛИК БОИС БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ ШОН-ШУҲРАТИГА МУНОСИБ ТЕНГСИЗ ИСТЕЪДОД ВА КУЧ-ҚУДРАТ СОҲИБЛАРИ ВОЯГА ЕТМОҚДА.

Куни кеча юртимизнинг ана шундай музаффар фарзандларидан бири Руслан Чагаев ўзбек спорти ҳамда жаҳон боксининг солномасида зарҳал саҳифа очди — профессионал боксининг WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпионлик камарини кўлга киритди.



Мана, қарийб бир ҳафтадирки, унинг улкан галабаси мамлакатимиз бўйлаб кенг тантана қилинмоқда. Юртимизнинг каттакич шаҳарларидан тортиб олис қишлоқларигача ёшу қарининг юз-кўзида қувонч, қалби фахру ифтихор туйғуларига лиммо-лим. Руслан ўзининг бетакор галабаси билан юртимиз доверини яна бир бор оламга ёйди, халқимиз гурурига гурур қўшди, дўсту биродарларимиз қалбида эзу ҳисларни мавжлантирди.

...2007 йил 19 апрель, соат 20.45.

Тошкент халқаро аэропортида сайёрамизнинг машҳур боксчисини тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Карнай-сурнай садолари янгради. Даста-даста гул тутган юртдошларимиз чукор ҳаяжон ва кечисиз қувонч билан жаҳон чемпионини кутлашга чоғланди...

(Давоми 2-бетда)

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**Каска сатрларда**

- БУГУН Олимпик шон-шўхрати музейида профессионал боксининг WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазн бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев билан учрашув уюштирилди.
- БУГУН Боровский номидаги Республика тиббиёт коллежида Фидокорлар Миллий демократик партиясининг Миробод туман Кенгаши ҳамда коллеж маъмурияти ҳамкорликларида уюштирилган тадбир «Ёшлар — келажак таянчи» деб номланди.
- ЎЗБЕКИСТОН Банклар ассоциациясида ёшларнинг банк молия тизимини пухта ўрганишлариغا имкон яратиш масалаларига бағишлаб КЕЧА уюштирилган тадбирда шахримиздаги банк, молия соҳасига ихтисослашган коллежлар ўқитувчилари иштирок этишди.
- ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» акциядорлик компанияси ташаббуси билан алоқа тармоғи ходимлари ўртасида уюштирилган кўриктанлов голиблари тақдирланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

# ЎЗБЕКИСТОН — МИСР: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УҒҚЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом Каримовнинг Мисрда ташрифи асносида ўзаро алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси ва Миср Араб Республикасининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳуқуқатлари ўртасида уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда ҳамкорлик, судьялар малакасини ошириш ва суд-ҳуқуқ соҳасида тажриба алмашиш тўғрисидаги битимлар, ахборот соҳасида ҳамкорлик, 2007-2010 йилларга мўлжалланган маданий ҳамкорлик тўғрисидаги протоколлар, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Миср Миллий спорт кенгаши, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Миср Халқаро ҳамкорлик вазирлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Миср Савдо палаталари федерацияси, "Узинфинвест" агентлиги билан Миср Инвестиция ва эркин ҳудудлар бош дирекцияси, Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги билан Миср Стандартлаштириш ва сифат ташкилоти, Ўзбекистон Марказий банки билан Миср Марказий банки ўртасида англишув меморандумлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Миср Искандария кутубхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Миср Миллий банки, "Банк дю Каир" ва "Банк Мисрий" ўртасида молиявий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Бу ҳужжатларнинг аҳамияти уларнинг камровидан ҳам билиниб турибди. Хусусан, терроризм ва уюшган жиноятчилик дейилганда, нарқобизнес, экстремизм каби таҳдидлар ҳам назарда тутилади. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай таҳдидлар хавфсизлигини таъминлашнинг умумий муаммоларини пайдо қилади. Демак, уларга қарши кураш ҳамкорликда амалга оширилсагина кутилган натижани беради. Бу миллий манфаатларга тўла мосдир. Зеро, миллий манфаат, аввало миллий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш билан ҳимоя қилинади.

Маданий ҳамкорлик халқларни янада яқинлаштиради. Стандартлаштириш ва сертификатлашти-

риш ҳамда банк муассасаларининг ҳамкорлиги ишбилармонларнинг бевоасита алоқаларини мустаҳкамлайди.

Мисрда ташриф асносида Президент Ислом Каримов ушбу мамлакат Бош вазири Аҳмад Назиф, Парламент Халқ кенгаши (қуйи палата) раиси Фатҳий Сурур, ташқи ишлар вазири Аҳмад Абулгайт билан учрашди. Ушбу мулоқотларда Ўзбекистон билан Миср ўртасида савдо-иқтисодий, сармоиявий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат маҳкамаларининг маслаҳатлашувларини мунтазам йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо билан учрашди. Музокарада Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан муносабатларини ривожлантириш масалалари ҳақида фикр алмашилди.

## Қохирада Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали очилди

Ўзбекистон ва Мисрнинг тарихан муштарак жиҳатлари анчагина. Шарқ мамлакатларида, жумладан, Мисрда маърифатли исломнинг қарор топишида, бунинг ижобий натижаси сифатида дунёвий фанларнинг шаклланиши ва ривожланишида Мовароун-

наҳ мутафаккирларининг ҳиссаси бекиёс бўлган. Хусусан, 800-861 йилларда яшаб ижод этган буюк ватандошимиз Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний эҳромлар юртида ўчмас из қолдирган. У Нил дарёси сувининг сатҳини ўлчайдиган ўта ноёб иншоот — устулробни кашф қилган. Мисрнинг катта ҳудуди саҳро зоналаридан иборат эканлиги ва фақат Нил водийсида зироатчилик қилиш мумкинлигини инобатга олинса, буюк ватандошимиз яратган "Миқёси Нил" мамлакатдаги сув захираларидан унумли фойдаланишда, дарада сув сатҳи ўзгаришларини башорат қилишда муҳим аҳамият касб этиб келган.

Миср кишлук ҳўжалигидаги вазият бугунги кунда ҳам Нилдаги сув миқёсига бевоасита боғлиқ. Юксак даражада билим талаб этакдиган, ўта аниқлик билан ишланган «Миқёси Нил»дан ҳозир ҳам кенг фойдаланилади.

Миср ҳукумати буюк алломага эҳтиром ва икки мамлакат халқларининг кўп асрлик илмий-маданий алоқалари тимсоли сифатида Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал ўрнатишга қарор қилди. Президент Ислом Каримовнинг ташрифи доирасида ушбу ҳайкалнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. "Миқёси Нил" бунёд этилган, Рада оролга Ўзбекистон расмий делегацияси, Миср ҳукумати аъзолари, жамоатчилик вакиллари, олимлар йиғилди.

Тантанали маросимда Ислом Каримов Ўзбекистон ва Миср халқларининг дўстлиги узок даврларга бориб тақалишини, бу

дўстликка улуг аждодларимиз асос солганини алоҳида таъкидлади. Ўзбек заминидан етишиб чиққан алломалар, хусусан, Аҳмад ал-Фарғоний жаҳон илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Шу боис 1998 йилда аллома таваллудининг 1200 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида жаҳон миқёсида, жумладан, Мисрда ҳам кенг нишонланди. У IX асрдаёқ сайёра-мизнинг диаметрини ҳисоблаб чиққан, дунёни қитъаларга, етти иқлимга бўлиб, шарҳлаган олимдир. Ал-Фарғонийнинг астрономияга оид тадқиқотлари ҳозир ҳам бутун дунё олимлари учун асосий қўлланмалардан бўлиб келмоқда.

Қохира шаҳри ҳокими Абдулазим Вазир Ўзбекистон Республикаси Президентининг Миср халқига совғаси сифатида қабул қилинган ушбу ёдгорлик Аҳмад ал-Фарғонийнинг Миср цивилизацияси раънақи йўлидаги хизматларига кўрсатилган юксак эҳтиром ифодаси эканини таъкидлади. Қайд этиш жоизки, Миср пойтахтида «Ҳадика ал-Ўзбекия», «Сур ал-Ўзбекия», «Ҳай ал-Ўзбекия» номлари билан аталувчи мавзелар бор. Айтишларича, илгари Буюк Ипак йўли бўйлаб сафар қилган қаровлар Мисрда келганда мана шу мавзеларда тўхтаган. Айниқса, «Сур ал-Ўзбекия» диққатга сазовордир. Бугун у ердаги китоб дўконларида қадим ва ноёб асарларни топиш мумкин. Булар ҳам халқларимизнинг илмий-маданий алоқалари нечоғли қадимий ва мустаҳкам эканлигини далил беради.

Ислом Каримов "Миқёси Нил"ни кўздан кечирди. Қохира музейида бўлиб, унинг экспонатлари билан танишди.

Миср оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президентининг ташрифини кенг ёритди, ташриф икки томон учун ҳам манфаатли самаралар беришини алоҳида қайд этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Миср Араб Республикасига расмий ташрифи ниҳоятини етди. Ташриф давомида эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши, бу борада янги уфқлар очилиши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВ,**  
**Ўза махсус муҳбири**  
Тошкент — Қохира — Тошкент  
**Абдувоҳид Тўраев (Ўза) олган суратлар.**



# ВАТАНИНИ УДУҒЛАГАН ЎҒЛОН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Ислом Каримовнинг Руслан Чагаевга йўллаган табригида «Бутун Ўзбекистон аҳли бугун сенинг спорт оламини кўрсатган бекиёс жасоратингни байрам қилмоқда. Биз ўзбек бокс мактабида тарбия топиб камолга етган сендек ўғло-

бокс мактаби аъналарини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

...Ниҳоят, орзиқиб кутилган лаҳзалар — Руслан Чагаев самолётдан бир қўлида юрт байроғи, иккинчи қўлида чемпионлик камари билан тушиб, киндик қони тўкилган она Ватани — Ўзбекис-



тонининг муқаддас заминига қадам қўйди. Миллий либосдаги қизлар унга гуллар тақдим этишди. Она юртига ёруғ юз билан қайтган Русланиннг кўзларида севинч учкунлари порлайди. — Ҳар гал ғалабадан сўнг сиз, азиз кадрдон юртдошларим ва

нимининг тарихий ғалабани кўлга киритиб, ўта оғир вазнда жаҳон чемпионлигига эришгани билан ҳақли равишда фахрланамиз» деб таъкидланган. Германиянинг Штутгарт шаҳридаги спорт мажмуида гоят шиддатли ўтган бешлашув давомида у мустаҳкам ирода ва азму шижоат соҳиби эканини яна бир бор исботлади.

Президентимиз Ислом Каримовга йўллаган мактубида Руслан Чагаев: «Мен ўз ғалабамни Ўзбекистон мустақиллигига бағишлайман. Қаерда бўлишим, қайси мамлакатда жанг ўтказишимдан қатъи назар, мен учун Ўзбекистон спорт шайини ҳимоя қилишдан кўра муқаддасроқ нарса йўқ» дейди фахр билан.

Ватан шайини юксакларга кўтарган, унинг муқаддас номини олам узра тараннум этган фидойи фарзанд ҳар қанча хурмат-эҳтиромга сазовор. Президентимизнинг 2007 йил 17 апрелдаги фармонида биноан профессионал бокс бўйича ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони унвонини кўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намойён этган Руслан Чагаев Ватанимизнинг юксак муқофоти — «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланди. Руслан Чагаевнинг иродали ғалабаси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга, ўзбек

устозларим билан дийдорлашиш учун жонажон Ватанимга ошиқман, — дейди Руслан Чагаев. — Мен ўзимнинг энг эзгу орзуми — жаҳон чемпиони бўлиш орқали Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга муваффақ бўлдим. Албатта, профессионал рингда мағлубият аланини тотмай келаётган россиялик Николай Валуевга қарши жангга тушиш осон

бўлгани йўқ. Бироқ бахсининг ҳар бир лаҳзасида ортимда мамлакатимиз Президентини ҳамда миллионлаб юртдошларимнинг мени гойибона қўллаб-қувватлаётганларини ҳис қилиб турдим. Юртбошимиздан олган оқ фотиҳа ҳамда ғалабамни астойдил кутаётган муҳлисларимнинг ишончи менга руҳий мадад берди, кучимга куч қўшди.

Бундан бунён ҳам Юртбошимизнинг ишончларини оқлаш, Ўзбекистон байроғини турли мамлакатлар спорт мажмуаларида юқори кўтариш учун бор куч ва иродамни сафарбар этаман. Ёш авлодга ўзбек бокс мактаби аъналарини ўргатиш орқали жонажон мамлакатимиз Мустақиллигини мустаҳкамлашга, юртимиздан қўллаб-қувватлаётганларини етиштириб чиқишга ўз ҳиссамни қўшаман.

Тадбирда йиғилганлар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳалар сингарии спорт соҳасида олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғрисида юртимиздан ана шундай дунёга доғи кетган жаҳон чемпионлари етиштириб чиқаётганини таъкидлади. Зеро, Юртбошимиз ибораси билан айтганда буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодга бунёд эта олади. Бундай кутлуг зафарлар замирида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси, Мустақиллик аталмиш ноёб неъмат тортиқ қилган буюк имконлар мужассам.

Шу куни минглаб юртдошларимиз пойтахтимиз кўчаларидан «Чайка-кабриолет»да ўтган Руслан Чагаевнинг пойига баҳор чечакларидан поёндоз солишди.

Унинг спорт оламини кўрсатган бекиёс жасорати шарафланиб, «Ғалабанг муборақ, Руслан!», «Қадамнинг кутлуг келсин, юртнинг мард ўғли!»; «Сен билан фахрланамиз!» сингари кўтовлар битилган плакатлар, байроқ кўтарган муҳлислар оқими кўчалар бўйлаб чўзилди.

Ҳа, Руслан ўзининг тарихий ғалабаси билан халқимиз нималарга қодирлигини яна бир қарра намойён қилди. Бу ғалаба Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлодни вояга етказишга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

**Норали ОЧИЛОВ,**  
**Ўза муҳбири**  
**Дилшод Юсупов (Ўза) олган суратлар.**

**ЁШЛАРНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, УЛАРНИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА МЕҲРЛИ, ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ, ТАЛАБАЛАРНИНГ ДАРСДАН БЎШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН. МАРКАЗДА «МУНОЗАРА», «ЁШ ИҶОДКОРЛАР», «ЁШ НОТИҚЛАР», «НАФОСАТ», «ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА» СИНГАРИ КЛУБЛАР ФАОЛ ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА.**

## ЁШЛАРГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Марказ томонидан Президентимиз Ислом Каримовнинг "Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Бу борада Ўзбекистон Олий ва Урта махсус таълим вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда "Сиз соғлом баҳсга киришишни истайсизми?" мавзюида семинар-тренинг ташкил этилди. Унда "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ўқув юртлиари фаол талабалари, "Мунозара" баҳс клуби аъзолари иштирок этди.

Ундан қўзланган мақсад ёшларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, талабаларни жамиятимизда кечаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирокчига айланатириш. Ун кунлик семинарда талабалар миллий истиқлол болиқининг асосий тушунча ва тамойиллари, мунозара-дебат турлари ва қонун-қоидаларига оид маърузалар тингладилар.

## МАДАНИЯТ ҲОҒИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ДЎСТЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**КЎП АСРЛАРДАН БҮЁН ЎЗБЕКISTON ҲУДУДИДА КЎПЛАБ МИЛЛАТ ВА ЭЛАТЛАР ВАКИЛЛАРИ ТЎТОВЛИКДА ЁНМА-ЁН ЯШАБ КЕЛАДИ.**

Мамлакатимиз ҳукумати миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётгани Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг маданий ва маънавий эҳтиёжларини тўла қаноатлантираётгани боис бу эътибор тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бунда юртимизда кўплаб мамлакатларнинг миллий маданият марказлари ва дўстлик жамиятларининг ташкил этилгани, улар муваффақиятли фаолият кўрсатаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жиззахда қозоқ мусикали драма театрининг очилиши ҳам республикамизда истиқомат қилаётган халқларнинг маданий аъналарини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Театрнинг очилиши маросими Наврўз байрами муносабати билан барча мамлакатларда ўтказилаётган шодиёналарга ҳамоҳанг бўлди. Тадбирда Жанубий Қозо-



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Ҳақ йўлида ҳар кимга ибодат бўлмай, Яхши амал асбоби саодат бўлмай, Ҳар яхши амал кишига одат бўлмай, Умри бу амал бирла зиёдат бўлмай.**

Кимки Ҳақ йўлида ибодат қилса, бу яхши амали саодат сабаби бўлади. Агар киши яхши амали одат қилса, бу амал билан умри зиёда бўлади.

**Ҳақ ваҳидин кимки йиғламоқ фан қилмай, Ул ашқ анинг кўзини равшан қилмай.**

Ким Оллоҳ кўркувидан йиғлашни одат қилган бўлса, бу йўлда тўккан кўз ёшлари унинг кўзини равшан қилади.

**Ҳар кимгаки, кўп таом емак фандур, Билгилки, нажосатқа тани маскандур.**

Ким кўп овқат ейишни одат қилган бўлса, унинг тани нажосатнинг маскани бўлади.

**Ҳар йўлгаки, кўнглунга ҳавас бўлғусидур, Тенгрига таваккул санга бас бўлғусидур.**

Кўнглинга ҳар қандай йўлнинг ҳаваси тушса, Оллоҳга таваккул қилишнинг ўзи сенга кифоядир.

**Ҳар ишда хирадни ўзунга ёр айла, Журмуни таркидин хирад иҳзор айла.**

Ҳар ишда ақлни ўзинга ҳамроҳ қил, гуноҳларни тарқ этиш учун ақллилик намоён қил.

**Ҳам жавр асл эл аро келди ҳаром, Ҳам асли йўқ эл ичра вафо келди ҳаром.**

Асл инсонлар жафони ҳаром ҳисоблаганлар каби, ноасл кимсалар вафони ҳаром билдилар.

**Ҳар дўстки, сўз ичра десанг они дуруст, Холисдур агар бор эса паймони дуруст.**

Ваъдасига вафо қиладиган дўстни яхши деб бил.

**Ҳирс ўтидин бўлма дардпарвар охир— Ким, нафсга Ҳирсдин етар дард охир.**

Жонинга дард Ҳирсдин етади, бас Ҳирс қайғуси билан оғрима.

**Ҳирс офатини нафс ҳаваси билгил, Кўймоқ ани нафс муддаоси билгил.**

**Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз, Жон нақди бериб, сийм харидори азиз.**

Пулу бойликнинг қули бўлган, жонини тикиб, мол-дунёга харидор бўлган киши ҳеч қачон азиз бўлмайд.

**«Маснавийи маънавий»дан Бу жаҳон—тоғ, феълу атворинг—нидо, Ул нидони сенга қайтаргай садо.**

**Яхшилик ёки ёмонлик этмайин, Бир нафас дунёда турмоғинг қийин.**

**Оқил улким, ибрат олгай доимо Дўстлари бошига келганда бало.**

**Ер ҳалолдир—беҳиёнат ҳар маҳал, Экканингни қайтариб бергай тугал.**

**Дўстлар бир-бирига ҳада берсалар, Ҳада эрмас, балки дўстликдан хабар.**

**Ким писиб келса, иши тухмат бўлур, Ким дадил келса, иши жуърат бўлур.**

**Ҳеч қачон нафсинга сен банд бўлмагил, Чунки Оллоҳ йўлидан ургувчи ул.**

**Ким этар ҳуснин зиёда ошкор, Бўлмай у юз минг фалокатга дучор.**

**Сўз агар бир эрса, маъно мингтадир. Бергуси фил қувватини иттифоқ.**

**Вақт лозим қондан айрилгунча сут. Паст киши ўздин баландин ёв бўлур.**

**Эрк хаёли ҳаммадан афзун эмиш. Пора-ришват олмасанг, кўргувчисан, Пора олсанг, кўр бўлиб юргувчисан.**

**Маънини излаб, етишган бахтлидир. Сурат инсонни адаштирди нукул.**

**Туйғуни ақлингга сарвар айлама. Кўкка боқмоқ кўзга бахш этгай зиё.**

**Бир тиник ойна эрмиш соф кўнгил, Кўрсатур яхши-ёмон сувратни ул.**


**Нарса йўқки, хорижи олам эрур, Ҳар не истарсен, ўзингда жам эрур.**

**Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил, Кўз бўлурму Ҳақни кўрмас бўлса ул.**

**«Жаҳон» АА**

САХОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳасимом) мазорининг мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилиги» жамаатчилиги қўллаб-қувватлаш тўғрисида Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бутун ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасининг, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфраструктурасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутмади.



**ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМФАРМАСИНИНГ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:**  
**СТПР: 206849483**  
**МФО: 00423**  
**Х/р: 20212000604589442001**  
**АТИБ Ипотека банки Мехнат филиали**

Уйлаймизки, мамлакатимизда бу улғу ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўиши ниятда бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар кўплаб топилди. Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

2007—ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЎЗ АКСИНИ ТОПДИ

ЮРТИМИЗГА ФАСЛАР КЕЛИНЧАГИ БАҲОР КИРИБ КЕЛГАНИГА ҲАЛИ КЎП ВАҚТ ЎТМАГАН БЎЛСА-ДА, УНИНГ СОҒИНЧИ ДИЛЛАРГА ШУУР, ШУКУҲ УЛАШАЁТГАНИ СИР ЭМАС.

Негаки кўклар нафаси фақатгина заминни яшартирибгина қолмай, балки кўнгилларга ҳам бир олам қувонч баҳидада этади.

Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар техник ихтиодиети марказида ўтказилган «Баҳор соғинчи» номли хайрия тадбири айна шу жиҳатлари билан эътиборлидир. Иجتимойий ҳимоя йилига бағишланган маъруз кеча туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ташаббуси билан ташкил этилди ва ўқи уюштирилган «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, унинг туман бўлими, Тошкент Ахборот технологиялари университети, ўқувчи ёшлар ихтиодиети маркази, «Бободоҳқон» маҳалласи фаоллари ҳамкорлик қилишди.



Тадбирнинг очилиш маросими ҳамда катта мусикий дастур намойишидан сўнг ушбу касб-хўна марказида «Сехри ёғду», «Варрақлар сайли», «Ватан фарзандлари — юрт келажиги», «Еш ихтирочилар шосуи — 2007» сингари кўрик-танловларнинг туман босқичида ғолибликни қўлга кiritган ўқувчиларга мутасадди ташкилот ҳамда ҳомийларнинг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Халқимизда «Гулзорини асрамаган — тиканзорни ўстиради», деган мақол бор. Бинобарин, навниҳолни ўстириш учун катта эътибор, масъулият талаб этилганда, жисмоний имкониятлари чекланган, иجتимойий жиҳатдан кам таъминланган оила фарзандларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш ҳам шундай ёндошувни талаб этади. Тад-

бир давомда жамиятнинг айна шу қатлами вакилларига ҳомийларнинг моддий қўмағи топширилишида ҳам айна шу ҳақиқатнинг мўжассамлигини кўрамыз.

Шундан сўнг Юнусобод туман ўқувчи-ёшлар ихтиодиети марказининг бир гуруҳ истеъдодли, иқтидорли ўқувчилари даврага таклиф этилди. Улар ижросидаги «Баҳор соғинчи» номли театрлаштирилган томошаларда миллий ўзлигимиз, қадимий урф-одатларимизнинг кадр-қиммати, бардавонлиги ўз аксини топди.

— Халқнинг асрий аънавалари, том маънодаги менталитети унинг қувончли кунларида акс этади, — дейди Юнусобод туман халқ таълими бўлимининг бош мутахассиси Муъазам Ғуломов биз билан суҳбатда. — Баҳор айёми кишидаги ана шу истакни юзга чикариши баробарида минг йиллик тарихимизнинг энг шобён лаҳзаларини кўз олдида намоен қилади. Буни биз юртдошларимиз кўзидаги қувончда, яшарини-янгилашни шодибанасининг хар бир дақиқарида кўрамыз.

Тадбир якунида аҳолининг иجتимойий жиҳатдан кам таъминланган қатлами вакиллари, жисмоний имкониятлари чекланган болақонлар, маҳалланинг кекса-ю кичик аъзолари баҳорий таомларни ўзида мўжассам этган байрам дастурхонига таклиф этилди.

ХУМОЮН АЛИЕВ

СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Футбол

ҲАЛИ ИМКОНИЯТ БОР

**ШАХРИМИЗДАГИ МҲСҚ СТАДИОНИГА ЙИГИЛГАН МУҲЛИСЛАР 2008 ЙИЛДА ХИТОЙ ПОЙТАХТИ ПЕКИНДА БЎЛАДИГАН ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ҲИМОЯЧИЛАРИ САРАЛASH ТУРНИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН—ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ОЛИМПИАДА ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ГУРУҲ БАҲСИНИНГ ГУВОҲИГА АЙЛАНИШДИ.**

Шуни таъкидлаш жоизки, аввалги беллашуларда кутилмаганда Бирлашган Араб Амириклари ва Жанубий Корей олимпияда терма жамоаларига имкониятни бой бериб қўйган ҳамюртларимизга ғалаба сув билан ҳаворек зарур эди. Шу боисми, Вадим Абрамов майдонга анча кучли футболчиларни—жумладан, Ашуров, Рисқуллаев, Иброҳимов, Денисов(Бикмаев), Исмоилов, Хайдаров, Аҳмедов, Эркинов, Йўлдошев,

Мирзаев(Умрзоков), Кўзибоев (Афони-н)ларни туширди. Тан олиш керак, маҳорат бобида меҳмонлар кучли деб эътироф этилганда, аммо, футболчиларимиз майдонда ҳужумкор, тезкор ўйин намойиш этишди. Меҳмонлар дарвозаси олдида бир неча марта хавфли вазиятлар уюштирган ўзбекистонликлардан омад юз ўғирди холос. Мирзаев ва Эркиновлар кулай имкониятлардан фойдалана олишганида муҳлислар кўнглидаги иш бўларди. Аммо, «майдон текис, тўп юмалок», деганларидек Хун томонидан киритилган ягона гол меҳмонларга кичик 1:0 ҳисобидаги ғалабани туғдира эди.

Дарвоқе, навбатдаги баҳслар 16 майда ўтказилади. Унда Ўзбекистон олимпиячилари сафарда БАА олимпияда терма жамоасини енгишларида тўғри келади. Биз футболчиларимизга омад тилаймиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

«TOSHKENT SHANAR TELEFON TARMOG'I»ни модернизация қилиш ва ривожлантириш режасига мувофиқ 2007 йилнинг апрелидан июлгача бўлган даврда «3» рақами билан бошланадиган 360, 361, 362, 363, 364, 367, 368, 369, 390, 391, 392, 393, 395, 396, 397, 398, 399-АТСларига уланган абонентларнинг телефонларининг биринчи рақами «2» рақамига алмаштириш ишлари босқичма-босқич амалга оширилади.

2007 йил 25 апрел кунидан бошлаб абонентларнинг телефон рақамлари 3637700-3639799 дан 2157700-2159799 га алмаштирилади.

Маълумот учун телефон: 55-77-17.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



Тошкент шаҳри аҳолисининг кўплаб илтимосларига мувофиқ бутун апрель ойида цирк манежида «Ҳайвонлар карнавали» дастурининг намойиши давом этади.

**Болалар ва катталар, шошилинг, шошилинг!!!**

Томошалар шанба ва якшанба кунлари соат 12.00, 15.00 да бошланади. Маълумотлар учун

телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

Давлат Солиқ қўмитасининг ҳўжалик таъминот бoшқармасига қарашли № 2105176002-сонли ер кадастри ҳўжжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Квартирани суткалик (бир кеча-кундуз) усулда ижарага бераман. Телефон: 157-62-48, 332-64-65.

2 хонали уй сотилади. Т: 390-66-83. Мавжуда опа.

Мунажжим башорати

**21 АПРЕЛЬ, ШАНБА**  
 Бугун тушгача ақл ва чапдастлик ишларингиз юришига ёрдам беради. Тушдан кейин эса, бу йўлдаги уринишларингиз наф келтириши қийин. Кўбунинг бугунги ҳолати шундан далолат беради.

Бугунги кун ўлчов амалиётлари учун хайрли бўлади, шунингдек, ўзаро фикрлар алмашиш ҳамда ўзингиз учун фойдали янги малака ва кўникмалар ҳосил қилишингиз мумкин. Оймомамиз эҳтирос ва ҳиссиётларингизни мўлҳим намоен этишни тавсия этади. Бу — сизга бошқа кишилар билан ўзаро муносабатларингизни тўғри йўлга қўйиш имконини беради.

**22 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА**  
 Бугунги кун одамларда ҳисоб-китоб, эҳтиёткорликка мойиллик тугдиради. Улар эътибори майда-чуйдалар ва тафсилотларгача жалб бўлади. Меркурий ва Лилит ўртасидаги муҳолифлик муносабати шерикларингиз ва рақобатчиларингиз томонидан алданшингиз мумкинлигидан огоҳлантиради. Марс ва Эгизаклар буржининг «бузғунчи» 13-даражасида жойлашган Зухро юлдузи қувватларининг қатъий квадратли алоқалари таланиш ҳамда муҳаббат ва молия ишларида кутилмаган муаммолар пайдо бўлишига олиб келади.

Уйдан қаҳятеб, ит ҳуришини эшитишингиз бахт ва бадавлатликдан дарак берувчи хушхабар ҳисобланади.

**23 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА**  
 Куннинг иккинчи ярмида кўбунинг Бузoқ буржи 4-даражасида бўлиши билан боғлиқ равишда инсонларда зулморлик ва чексиз қатъият вужудга келади. Улардан ўз ҳатти-ҳаракатларига катта эътибор бериш талаб қилинади. Ойнинг бугунги ҳолати эса, одамларни серғаликка мойил қилиб қўяди.



ДУШАНБА, 23

**«Ўзбекистон»**  
 15.00 «Тахминнома».  
 15.45, 1.40 «Ватанпарвар».  
 16.45 «Эрталар — яхшилик етаклар».  
 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».  
 17.10, 20.00, 21.35, 24.00, 4.30 ТВ анонс.  
 17.15, 1.30 Олтин мерос.  
 17.20 «Ортим бўйлаб» дастури: «Истикбол сари йўл».  
 17.50 «Ҳамкорлик ришталари».  
 18.05 «Ошиш». Телесериал.  
 18.25 «Оханлар оғушида».  
 19.15 «Молия ва банк хабарлари».  
 20.00, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими.  
 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
 20.05 «ТВ шифокор».  
 20.10 «Оила ришталари». Телесериал.  
 21.40 «Янги оҳанглари».  
 22.00 «Икки тақдир». Телесериал.  
 22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).  
 23.00, 5.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий».  
 23.30, 4.35 «Ортим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».  
 00.05 «Ешлик оқшом».  
 2.40 «Чемпион сирлари».  
 3.00 Жаҳон опера саныати юлдузлари.  
 3.45 «Ортим бўйлаб» дастури: «Кўёш шаҳри».  
 5.00 «Минг бир ривоят».

**«Ёшлар»**  
 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».  
 16.15, 21.50 «Ватанчил».  
 16.20 «Сени олаб». Фильм.  
 16.55 «Мафункор ва бетакор!».  
 17.00 «Кино-SMS».  
 17.15 «Конун ижроси».  
 17.15 «Journal».  
 17.35 «Замонлар оша келажак сари».  
 17.40 «Панох».  
 17.55 «Маргилон — 2000 ёшда!».  
 18.00 «Муъжизавий дунё».  
 18.25, 20.20 «LuzX хабарлари».  
 18.35 «Ҳазал мулки».  
 18.55, 21.55 «Иқлим».  
 19.30 «Омон бўлинг!».  
 19.35 «Емгир симфонияси». Сериал.  
 20.05, 22.30 «SMS-музыка».  
 20.25 «Истикбол ағзалари».  
 20.45 «ТВ-эълон».  
 20.50 «Муҳаббат дардлари». Сериал.  
 21.30 «Кўклам наволари».  
 21.40 «Мафункор ва бетакор!».  
 22.45 «Галактика» маърифий дастури: «Ўза оилалар».  
 23.40 «Таскин».

**«Тошкент»**  
 17.55 М/ф «Шумтақалар».  
 18.05, 21.50 «Телекурер-маркет».  
 18.25, 22.25 «Биласизми?».  
 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».  
 18.45, 20.15, 21.25, 21.45, 22.45 «Анонс».  
 18.50 «Ҳадалупте». Телесериал.  
 19.30 Музыка SMS.  
 19.50 «Будьте здоровы».  
 20.20 Мир животных: «Дневник большой кошки».  
 20.50 «Интервью».  
 21.00 «Жозоба».  
 22.10 «Аёл қалби».  
 22.50 Кино «Кейт и Лео».

**«Спорт»**  
 18.00 «Детский спорт».  
 17.45 «Тет-а-тет».  
 18.30, 21.30 «Хабарлар».  
 18.50 Футбольное обозрение.  
 19.10 «Жди меня».  
 20.00 «Вести».  
 20.20 «Музыкальный тайм».  
 20.30 Прoфрoтoнг.  
 21.50 Спортивное кино: «Рокки Бальбао».  
 23.30 Футбол. Чемпионат Узбекистана.

**Первый канал**  
 4.00 «Доброе утро».  
 8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.35 Новости.  
 8.05 «Малахов+».  
 9.00 «Агент национальной безопасности». Фильм.  
 10.00 «Поле чудес».  
 11.15 «Понять. Простить».  
 11.40 «Лолита. Без комплексов».  
 12.30 «Детективы».  
 13.25 «Контрольная закупка».  
 14.15 «Великое противостояние».  
 14.50 «Любовь как любовь». Фильм.  
 15.55 «Федеральный судья».  
 17.15 «Жди меня».  
 18.05 «Татьянин день». Фильм.  
 18.55 «Чужие тайны». Фильм.  
 20.00, 2.00 Время.  
 20.30 «Александровский сад». Фильм.  
 21.30 «Целители против народа».  
 22.50 Теория вероятности. «Заново рождение».  
 23.40 «Гени и злодеи».  
 00.15, 2.30 Комедия «Темный сахар».  
 2.45 Фильм «Миг удачи».

**«Россия»**  
 4.00 «Доброе утро, Россия!».  
 7.45 Фильм «Танцуй...».  
 9.45, 12.40 Вести. Дежурная часть.  
 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 3.40 Вести.  
 10.25, 13.20, 15.40 Местное время. Вести-Москва.  
 10.45 Телесериал «Горыныч и Виктория».  
 13.40 «Суд идет».  
 15.00 «Кулагин и партнеры».  
 16.10 Телесериал «Каменская».  
 17.05 «Танго втроем». Телесериал.  
 18.00 «Ангел-хранитель». Телесериал.  
 19.45 Местное время. Вести-Московская область.  
 20.05 «Спокойной ночи, малыши!».  
 20.15 Сериал «Сонька Золотая Рыбка».  
 22.10 «Мой серебряный шар». Александр Ширвиндт».  
 23.15 «Вести».  
 23.35 «Очевидное — невероятное».  
 00.05 «Синемания».  
 00.40 «Дорожный патруль».  
 00.50 Комедия «Прорва».  
 2.20 «Евроночь».

**«НТВ»**  
 5.00 «Сегодня утром».  
 8.05 «Следствие вели...».  
 9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00 «Сегодня».  
 9.25, 14.30, 17.30, 20.40, 4.45 «Чрезвычайное происшествие».  
 10.00 «Кулинарный поединок».  
 11.00 «Квартирный вопрос».  
 12.40 Сериал «Адвокат».  
 15.25, 00.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей».  
 18.40 «План Б».  
 21.45 «Жагеры».  
 23.45 «Школа словесия».  
 2.30 «Совершенно секретно».  
 3.20 «Поезд идет на Восток».

**«СТС»**  
 7.00 «Самурай Икс».  
 7.45 «Ворона и лисица, кукушка и петух».  
 7.55, 15.00 «Смешарики».  
 8.00, 15.05 «Приключения Вуди и его друзей».  
 8.30, 10.30, 19.00 «Моя прекрасная няня».  
 9.00, 21.00 «Кадетство». Х/ф.  
 10.00, 20.30, 1.00 История в деталях.  
 11.00, 20.00 Комедия «Саха».

11.30 «Зена — королева воинов». Х/ф.  
 12.30 «Комиссар Рекс». Х/ф.  
 13.30 «Не родись красивой». Х/ф.  
 14.30 «Кейс-9». М/ф.  
 15.30 «Путешествие к центру Земли». М/ф.  
 16.00 «Гаджет и Гаджетны». М/ф.  
 16.30 «Том и Джерри». М/ф.  
 17.00 Комедия «Сабрина — маленькая ведьма».  
 17.30 «Галилео».  
 18.00 «О. С. — одинокие сердца». Х/ф.  
 22.00 «Подъем с глубины».  
 24.00 «Анатомия страсти». Х/ф.  
 1.30 «Отчаянные домохозяйки». Х/ф.  
 2.20 Комедия «Непредказуемая Сюзанна».  
 2.45 Комедия «Тесная компания».  
 3.05 «Мертвая зона» — Стивена Кинга». Х/ф.  
 4.30 «Миссия ясновидения». Х/ф.  
 5.55 Музыка на СТС.

**«ТВ-3»**  
 7.00 Победоносный голос.  
 7.30 М/с «Люди икс».  
 8.00 М/с «Приключения Марко и Джини».  
 8.30, 14.30 М/с «Аргай».  
 9.00 Российские м/ф.  
 9.30 Деньги утром.  
 10.00 Х/ф «Шатерская история».  
 12.00 Х/ф «В русском стиле».  
 14.00 М/с «Новые приключения Лесси».  
 15.00 Х/ф «Бриллианты для диктатуры пролетариата».  
 18.00 Х/ф «Адьютанг его превосходительства».  
 19.30 Киномания.  
 20.00 Х/ф «Пари ценою в жизнь».  
 22.00 Х/ф «Под гипнозом».  
 24.00 Сериал «Предель».  
 1.00 Х/ф «Человек-змея».  
 3.00 Х/ф «Идуший по огню».  
 5.00 Сериал «Ее звали Никита».  
 6.00 Релакс.

СЕШАНБА, 24

**«Ўзбекистон»**  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
 8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот».  
 8.35, 10.20, 11.10, 12.10, 13.00, 14.15, 16.20, 17.10, 20.00, 21.35, 00.10, 3.10, 4.30 ТВ анонс.  
 8.40, 13.45, 1.30 Олтин мерос.  
 8.50 «Олам ва одам» дастури: «23.5 даража бурчак остида».  
 9.15 «Уйла, Изла, Топ!» Телесубокада «Покахонтас. М/с».  
 10.25, 00.15, 4.55 «Минг бир ривоят».  
 10.30 «Остонаси тиллодан».  
 10.50 «Молия ва банк хабарлари».  
 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими.  
 11.15, 20.05 «ТВ шифокор».  
 11.20, 20.10 «Оила ришталари». Телесериал.  
 11.55 «Самарқанд - 2750».  
 12.15 «Одами эрсанг».  
 12.35 «Дилтаронаси».  
 12.40 «Бир ўлка-чи».  
 13.05, 22.00 «Икки тақдир». Телесериал.  
 14.20 «Филм ва одам» дастури: «Кусто командасининг сувоисти саргузаштлари».  
 15.10 «Хайт ман зарарлари».  
 15.20 «Заговост».  
 16.25 «Кўна ва навоирон Маргилон».  
 16.45 «Эрталар — яхшилик етаклар».  
 17.15 «Оқи альбoм».  
 17.20 ИИВ хабарлари.  
 17.35 «Оханлар оғушида».  
 17.45 «Ўзбекистон аёли».  
 18.05 «Ошиш». Телесериал.  
 19.05 «Сизнинг адвокатингиз».  
 19.10 «Банк ва микро».  
 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
 21.40 Эркин мавзу.  
 22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).  
 23.00, 5.05 Миллий сериал: «Алишер Навоий».

**«Ёшлар»**  
 7.00, 14.00 «Янги тонг».  
 9.00, 13.15 «Даврининг боласи».  
 9.15 «Фан хақида 10 дақиқа».  
 9.25, 19.30 «Омон бўлинг!».  
 9.30, 19.35 «Емгир симфонияси». Сериал.  
 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Иқлим».  
 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».  
 10.15 «Тафаккур нури».  
 10.20 «Кўпқари». Хўжотли фильм.  
 10.30, 13.55, 18.25 «Кино-SMS».  
 10.35 «Интерфутбол».  
 12.05 «Замонлар оша келажак сари».  
 12.10 «Иш ва наво».  
 12.20, 20.50 «Муҳаббат дардлари». Сериал.  
 12.55 «Ватаним».  
 13.20 «Ойболанинг саргузаштлари». М/с.  
 13.40 «Шум болалар».  
 13.50 «Болалар табассуми».  
 15.00 «Чоррадаги уй».  
 15.30, 18.00 «Муъжизавий дунё».  
 16.15 «Радиоханда».  
 16.20 «Урашув».  
 16.50 «Нафосат олами».  
 17.00 «Ватанпарвар».  
 18.30 «Маргилон — 2000 ёшда!».  
 18.35 «Ҳазал мулки».  
 20.10 «JOKER» телелотереяси.  
 20.15 «ТВ-эълон».  
 20.20 «KINOMANIYA».  
 21.30 «Кўклам наволари».  
 22.30 «SMS-музыка».  
 22.45 «Галактика» маърифий дастури: «Каттжер».  
 23.40 «Таскин».

**«Тошкент»**  
 17.30 «Салом, Тошкент!».  
 8.30, 10.30, 10.55, 18.45, 20.15, 21.25, 21.45, 22.45 «Анонс».  
 8.35, 18.50 «Ҳадалупте». Телесериал.  
 9.15, 21.00 «Жозоба».  
 9.30, 18.05, 21.50 «Телекурер-маркет».  
 9.50, 18.25, 22.25 «Биласизми?».  
 9.55 «Аёл қалби».  
 10.10, 19.30 «Музыка SMS».  
 10.35, 20.50 «Интервью».  
 10.45 «Будьте здоровы».  
 11.00 Кино «Кейт и Лео».

